

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 125 (10.430)

2005 ЙИЛ 28 ИЮНЬ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, захматкаш касб эгалари бўлмиш сиз, азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, мухтарам фахрийларимиз, кўпмиллионли муштарийларни бугунги катта байрам — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимиз тараққиётига — бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, одамларимизнинг давлатга, жамиятга ва ўзаро муносабатлари бўладими, янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими — буларнинг барчасини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Табийки, бундай ҳолат журналист аҳлига, ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган ҳар қайси одамнинг зиммасига оғир, шу билан бирга, шарафли вазифа юклайди.

Агарки, XXI асрнинг ҳозирги кунда инсоният олдига қўяётган ўта кескин талабларини инobatга оладиган бўлсак, яъни давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш, жаҳон майдонидаги кучли рақобат, бозор иқтисодиёти тамойиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий технологиялар ҳар бир касб эгасидан юксак профессионал маҳорат ва доимий сафарбарликни тақозо этади.

Лекин дунёдаги энг машаққатли касблардан бири бўлмиш журналистика соҳасининг ўлчов ва мезонлари фақат шулар билан чекланмайди.

Нега деганда, журналист барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ташқи ёки ички сиёсат, иқтисодиёт ёки суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки тиббиёт оламида рўй бераётган, бир суз билан айтганда, ҳаётда кечаётган кўп қиррали ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган долзарб ва устувор масалаларнинг негизига етиб боришга қодир бўлиши лозим.

Албатта, ҳар қандай журналист шу касбни танлар экан, ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қийинчилик ва синовларни тасаввур қилиши, уларни энг би ўтишга тайёр бўлиши керак. Ўтқир калами, ҳаққоний сўзи билан матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган оқсоқол журналистларимиз ҳаёти мисолида уларнинг ўз бурчини адо этишда баъзан қандай тўсиқларга, танқид ва таъйиқларга дуч келгани, адолат ҳимояси учун гоҳида ҳаловатдан воз кечиб, ҳатто тақдирини ҳаф остида қолганини ҳам яхши биламиз.

Кимгадир ёқадими-йўқми, лекин бу — ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқати.

Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди?

Мана шу захматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу юрт фарзандларининг ёрғум келажиги, бахту саодати учун. Шу табаррук тупроқ, шу муқаддас Ватан учун.

Мен барча матбуот ходимлари мана шу фикрни ҳеч қачон унутмасликларини истардим.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу гояларнинг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва ҳолислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидага айланиши шарт.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги пайтда дунёнинг турли жойларида матбуот воситалари ақсарият ҳолларда айрим сиёсий кучларнинг фарзали мақсадларига хизмат қиладиган мафкуравий таъсир курсо-

лига айланиб қолмоқда.

Биз бундай хуружларни яқинда Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари атрофида баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кўтарилган сохта шов-шувлар, бўҳтон ва уйдирмалар мисолида ўз бошимиздан кечирдик. Шу ўринда яна бир бор айтиш керакки, аниқ бир марказ тарафидан ташкил этилган ва бошқарилган бу каби ахборот таҳдидлари мамлакатимизга четдан туриб таъсир ва таъйиқ курсатишга, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Ахборот оламидаги устуқлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазият ҳар қайси мустақил давлатдан ўз миллий манфаатларини нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам қатъият билан ҳимоя қилиши талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, матбуотимиз фаолиятида жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларни теран таҳлил ва талқин қилиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни очиб беришда ҳали бери оқсоқлик сезилмоқда.

Айни пайтда бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлат ва жамият юқини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг орзу-интилишларини атрофли ва ҳеч ёритиш, демократик қадриятларни одамлар онига сингдириш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган куч ва говларга қарши курашиш борасида журналистларимизда қатъият ва шижоат етишмаётганини ҳам кузатиш мумкин.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, матбуотимизни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олдимизда турган энг долзарб масалалар бу мавжуд қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қаратилиши чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Жамиятимизда том маънодаги фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига эришиш учун нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, жамоатчилик телеканалли шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Шу борада оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузилаётгани, Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик олий журналистика курси ташкил этилгани, матбуот ходимлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг машаққатли ижодий меҳнати муносиб қадрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар яқин келажакда ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Сиз, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги кутлуғ байрамнингиз билан яна бир бор табриклар эканман, кўпчилик юртдошларимиз, керак бўлса, кенг жамоатчиликнинг фикрини ифода қилиб айтадиган бўлсам, кейинги пайтда матбуотимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бераётганини, Ўзбекистон журналистларининг ўз профессионал маҳоратини намоян этиш, Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурурини, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида билим ва тажрибаси, фаоллиги ортиб бораётганини мамнуний билан таъкидлаш жоиз деб биламан.

Мамлакатимиз матбуот аҳли келгусида ҳам бугунги замоннинг ўзи олдимизга долзарб этиб қўяётган марраларга эришиш йўлида ўз куч-ғайрати ва истеъдодини аямай меҳнат қилади, деб ишонаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар ва хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 2005 йил 28-29 июнь кунлари амалий ташриф билан ўшбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғидаги музокараларда икки давлат раҳбарлари турли соҳаларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқадилар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

ЮРТИМНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН ЖОНИМНИ БЕРАМАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда мазкур академия бошлиғи, полковник Холмуҳаммад ЗОКИРОВ сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг бу асари ўз вақтида чоп этилганини, унинг номланишининг ўзбек шу заминда яшаётган ҳар бир инсон кўнглида гурур уйғотиши, она-юртни кўз қорачиғидек асрашга ундашини таъкидлади.

Дарҳақиқат, китобда баён этилган факт ва далиллар, асосли ҳамда ҳолис мушоҳадалар Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳақиқатни юзга чиқариш, турли уйдирмаларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда иштирок этган Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, Ички ишлар вазирлиги масъул ходими, полковник А.Сатторов ва фахрийлар кенгаши раиси, генерал-майор Ф.Раҳимов тингловчи ва курсантларга Президент асарининг моҳияти ҳақида сўзлаб бердилар. Ундан ҳар бир юртдошимиз, айнак, ёшлар тўғри хулоса чиқариб, Ватанимиз оқсоқиллигини йўлида доим яқдил бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Академия тингловчиси Ш.Файзуллахонов давлатимиз раҳбарининг «...мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган сўзлари чуқур таассурот қолдирганини айтди. — Бу сўзлар менинг ва сафдошларимнинг юрағидаги сўзлардир,— деди у. — Ватанимиз ҳимоя қилишдек шарафли бурчини адо этишимизда бу калом доим бизга йўлдошир. Кўни кеча халқимиз ва Президентимизга содиқлик учун, Ватанимиз тинчлигини сақлаш учун тантанали қасамд қабул қилган эдик. Биз юртин улдасидан албатта қамқимиз. Биз бор эканмиз, юртимизга ҳеч ким раҳна сололмайди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш хусусида тўхталиб, эркин тадбиркорлик фаолияти учун кафолатларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд гов-тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадларга хизмат қилади.

XXI аср

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 223 минг тоннадан зиёд юксак қирмон бунёд этиб давлатга дон сотиш бўйича шартнома расмий бажарган Сурхондарё вилояти галлакорларига табрик йўллади.**

● **Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг навбатдан ташқари III съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уч юз нафарга яқин делегат қатнашди.**

● **Қангликўб саноат-транспорт қасб-хуна қоллежининг 850 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий талаблар асосида барпо этилган мазкур билим маскани қурилишига бюджетдан 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланди.**

● **Бухорода «Оммавий ахборот воситалари ва миллий маданий мерос» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

● **Қарши шаҳрида 1990-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича ташкил этилган Ўзбекистон биринчилигида уч юз нафарга яқин умидли боксчи ўн олтига вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.**

Жаҳонда

● **Эронда президент сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. РАТА-ТАСС ахборот маъжамасининг хабарига қараганда, унда Теҳрон шаҳри ҳокими Махмуд Аҳмадий Наход галаба қозонган.**

● **6 июль кuni “Катта саккизлик” мамлакатлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтadиган Буюк Британия саммитига тайёргарлик доирасида ташқи ишлар вазирлари ўзаро кенгашиб олишди. Учрашувда Ироққа четдан кириб келаётган жангарилар ва Афғонистон масалалари, Ливандagi вазият муҳокама қилинди.**

● **Марказий ва Жанубий Европа мамлакатлари, хусусан Франция, Испания ва Швейцарияда ёз жазирамасида тинимсиз ёган кучли ёмғирлар йўлларда ҳаракатнинг тўхташига сабаб бўлди, темир йўлларнинг зарарланишига олиб келди.**

● **Москвада XXVII халқаро кинофестивал якунланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил сара фильмлар, иқтидорли режиссёр ва актёрларнинг кўпчилиги сабабли турли номинациялар бўйича голибларни аниқлаш осон кечмади.**

● **АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги Orleans Hotel and Casino спорт мажмуида профессионал бокс бўйича ташкил этилган мусобақада олти нафар ўтказилди. Ушбу жанглардан энг асосийсида ўзбекистонлик профессионал боксчи Темир Иброҳимов WBC Fesagbox чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди.**

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

● **Райҳон ҚУРИМБАЕВА, “Тадбиркор аёл” ассоциациясининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раиси, “Райҳон-Дона” хусусий фирмасининг раҳбари:**

— Мустақиллик шарофати билан ҳаёти-мизда жуда кўп нарсалар ўзгарди, ўзгармоқда. Ўтган йилларда юртимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида мустақкам пойдеворга асос солинди. Тадбиркорларнинг иқтисодий тизим ривожига асосий қулға айланиб бораётганлиги айниқса қувонарли ҳолдир.

Мен анча йиллардан бундан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман ҳамда туманимиздаги омилкор ва ишланувчан тадбиркорларга мадад бўлишга интиламан. Шу боис ҳам Юртбошимизнинг тадбиркорлик оид Фармонлари жуда муҳим ва ўз вақтида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Айниқса, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилганлиги, ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси, республика йўл жағмармаси ва Мактаб таълими жағмармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилганлиги ишмиз ривожига муҳим омил саналиб, эртанги кунга ишонч туйғусини жўшурди. Бу ортиқча чоп-чоп, асаблар тараф тортилиши, асосийси, олтинга тенг вақтимизнинг беҳуда сарфланишининг олдини олади.

Юқоридаги Фармонлар юзасидан ҳамкасбларим билан сўхбатлашганда, уларнинг ҳаммасида мамнунлик, қониқиб қайфияти аққол сезилиб турибди. Барчамизни қийнаётган муаммолар ижобий ҳал бўлаётганини ахши бўлди. Чунки, тадбиркорлар олдидagi сунъий тўсиқлар қанчалик тез олиб

ташланса, иқтисодий тизим ривожини шунча тезлашадиган, албатта.

● **Муҳаммадтоҳир КАРИМОВ, “Абдулҳамидхожи ота” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Юртимизда бош ислохотчи давлатимиз бўлганлиги боис ҳам тадбиркорлик ривожланмоқда, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш тизими йилдан-йилга такомиллашмоқдаки, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган Фармонлари кўпчиликда қизиқиб ўйғотмоқда. Тадбиркорлар ўртасида қизгин муҳокама қилинаётганда, очик тан олиш кераки, керак, ноқерак текшир-текширлардан чарчаган, қозғозликлардан беиз қолган тадбиркорларнинг дилларидаги орзулари рўёбга чиқди.

Президентимиз Фармонида тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан ўтказилиши аниқ белгилга қўйилган. Бу бошқа текширувларга чек қўяди. Шу пайтгача тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қатор идора, ташкилотлар қўллашарди. Бунинг оқибатида эса тадбиркор биргина хатоси учун қатор-қатор чораларга дуч келарди. Устига-устак, биздан ҳисоб-китоб талаб қилувчи жуда кўп эди. Бирор тадбиркорлик субъекти текшириляётганда унинг ҳамкорлари ҳам “элак-элак” қилинарди. Зарур ишларимизни қўлчида четга суриб қўйиб идорама-идора папка қўлтиқлаб чопиб, навбат пойлаб кун ўтказардик...

Ўз вақтида чиқарилган Фармонлар юртимиздаги ишайман, ҳалол меҳнатим билан фаровон ашайман, деган тадбиркорларга барча шароитларни яратди, эл қорига ярайман, деган инсонларга эса омилкорлик ҳамда ишланувчанликда гап қўлгисини яна бир бор эслатиб қўймоқчиман.

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва уларнинг ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий тизим янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қўриляётган чора-тадбирлар, бу борада солиқ хизмати органлари олдига турган долзарб вазифалар борасида журналистларга батафсил ахборот берди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи органлари томонидан ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва талабларини тадбиркорлар ўртасида чуқур тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиляётир. Уларни қизиқтираётган саволларга атрофлича жавоблар берилмоқда.

Анжуманда мазкур йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Шу боис солиқ хизмати органлари ва журналистларнинг бу борадаги ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Президент Ислам Каримов уй-жой-коммунал хўжалигини ислоқ қилишни жамятимизни модернизациялашнинг устувор йўналишларидан бири, деб атади. Кейинги йилларда инсонлар учун муҳим бўлган ушбу соҳада ислохотлар натижалари кўзга ташланмоқда.

Айни пайтда уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва сақлашнинг бозор механизмларини ташкил этиш, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқаришда жиддий муаммолар мавжуд. Коммунал тармоқлардан фойдаланиш ва капитал таъмирлаш бўйича амалий механизмлар ҳамда самарали фаолият юритадиган тузилмалар йўқ.

Иссиқлик энергияси, совуқ ва иссиқ сув истеъмолини ҳисобга олиш приборларининг йўқлиги ҳам ташвиш туғдирмоқда. Бу эса ушбу ресурсларнинг исроф бўлиши, тарифларнинг асосий ўсиши ва аҳолининг муддати ўтган қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Коммунал соҳани ислоқ қилишда тариф сиёсатидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзuida бўлиб ўтган давра сўхбатида ана шу масалалар муҳокама этилди. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик бошқарган ушбу мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирликлар вакиллари, Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шунингдек, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Сувсоз», «Махсустрас» ва «Тошиссиқликэнерго» каби тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Унда коммунал соҳа корхоналари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва муқоабил корхоналарнинг фаолият юритиши учун керакли қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий база ташкил этилгани таъкидланди. Уй-жой фондида фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш тизимига бозор ме-

ханизмлари жорий этилмоқда, уй-жой мулкдорлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустақкамланмоқда.

Мажлисда сўзга чиққанлар уй-жой-коммунал соҳасида амалга ошириляётган ислохотларнинг асосий йўналишлари ҳамда тамойиллари, энергия манбалари, коммунал хизматлар учун тарифларнинг давлат томонидан тартибга солинишига ёндашувлар, коммунал хизматлар учун тарифлар ва нархларни белгилаш механизмининг тартибга солиш, уларни ҳақиқий монополиячи ҳисобланган корхона ва ташкилотлар томонидан асосий кўтариш имкониятини истисно қилувчи чора-тадбирлар тўғрисида гапирди.

Йиғилишда таъкидландики, уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичида асосий савй-ҳаракатларни соҳада бошқарув тизимининг тартибга солиш ва назорат қилиш, монополиядан чиқариш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда рақобатни қучайтириш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларга кўрсатиляётган хизматлар ҳажми ва сифатида таъсир чораларини яратиш, уй-жой-коммунал хизматлар нархларини қамайтиришга қаратиш, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Мажлис қатнашчилари билдирган тақлифларни пухта ўрганиб чиқиш ва уй-жой-коммунал соҳасига доир қонун лойиҳалари штида ишлашда улардан фойдаланиш тавсия этилди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қоляётгани, XXI аср вобоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватляётганини таъкидлаган эди.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган “Халқаро терроризм ва диний экстремизм муаммолари” мавзuidaги семинар-тренингда ана шу ҳақда сўз юритилди. Уни қўмита раиси М.Тешабоев бошқарди.

Семинарда Ўзбекистон ички фаолиятда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни тўхтатмаётгани, чунки бу иллат башарият тақдирини билан боғлиқ масала эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов, Тошкент Халқаро Вестминстр университети ректори А.Абдувоҳидовнинг диний экстремизм ва терроризмнинг минтақамизга таҳдиди, унинг жамяят барқарорлигига соляётган хавфу хатарни мавзuidaги маърузалари тингланди. Анжуманда, шунингдек, терроризмга қарши курашда қонунчилик фаолиятининг ҳам ўзига хос ўрни борлиги ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ПОЙТАХТНИНГ Дир кунли

Дигликлар, воқеалар

Кисса

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси бош прокуратурасида Бутунжахон гиёвандликка қарши кураш кунли муносабати билан ўтказилган семинар "Гиёвандликка қарши курашда тергов ва суд амалиёти" деб номланди.

● **"Шодлик"** никоҳ уйида "Ёш оила қурувчилар" мактаби тингловчиларининг навбатдаги машғулоти уюштирилди.

● **АЙНИ** кунларда Жаҳон тиллари университети талабалари ҳамда "Камолот" ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ҳамкорликларида 4 июндан ташкил этилган "Тилларни ўрганамиз" дарслари "Богистон" ва "Богобод" маҳаллаларида давом этмоқда. Ушбу тадбир 4 июлда якунланади.

● **"ТРАСТ МОПЕЙ"** трансфер молия кредит ташкилоти ташаббуси билан шахримизда халқаро пўл ўтказиш тизими бўйича фаолият юритаётган "Асака", халқ банки ҳамда "Пахта" банки ходимлари малакасини оширишга мўлжалланган семинар бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги "Миришкор" маҳалласида "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг "Ишлаб топ" лойиҳаси доирасида олий ўқув юрти битирувчилари, ҳарбий хизматни ўтаб келганлар ҳамда ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида корхона, ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

● **КЕЧАДАН** Сергели туманидаги 268, 284-мактаблар қошидаги оромгоҳларда иккинчи мавсум бошланганлиги эълон қилинди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театри жорий йилги мавсумни якунлаган бўлсада, театр ижодкорлари томонидан санъат мухлисларига драматург Эркин Хушвақтов пьесаси асосида тайёрланган "Андишали келинчак" спектакли намойиш этилди.

Тошкент шаҳар
хокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда миллий матбуот ривожига, унинг том маънода эркин фикр минбарига айланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.



Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарт — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишди, дея таъкидлаган эди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари

кунли муносабати билан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган турли жараёнлар, шу жумладан, тинч мамлакатлар барқарорлигини издан чиқариш йўлида ахборот хуружи авж олаётгани юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада

хушёр, огоҳ ва фаол бўлишни талаб этаётди.

Айни пайтда бугунги шиддатли замон мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришни, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини тўлароқ таъминлашни, журналистларнинг касб маҳоратини муттасил замон талаблари даражасида ошириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўриктанлови ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Тадбирда мазкур танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

Йиғилишда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган «Аёл омон бўлса...» республика танлови, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Энг фаол спорт журналисти» танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ
«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ-2004» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
«Жаҳон адабиёти»
журнали бош муҳаррири

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги
публицистик мақолалар
туркуми учун

Омирбой ЕСБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон телевидениеси
спорт шарҳловчиси

Спорт мавзудаги «Ким эпчил,
ким чаққон?», «Чаққонлик
майдони» телекўрсатувлари учун

Тоҳир НОРКУЛОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлиги фотомухбири

Республикаимизда ижтимоий-
иктисодий, маданий-маърифий
ислохотларни амалга оширишда
замондошларимиз ҳаётини акс
этитрувчи фотосуратлар
туркуми учун

Ҳамид НОРКУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани «Машъал»
газетаси муҳаррири

Долзарб мавзудаги муаммоли-
таҳлилий мақолалари учун

Хайрулла НУРИДДИНОВ,
Ўзтелерадиокомпанияси «Ёшлар»
телеканали «Давр» дирекциясининг
директори

Ўзбекистонда мамлакат тинч-
лиги ва оқсоқталлигини
мустаҳкамлаш, миллий хавфсиз-
ликни таъминлаш юзасидан олиб
борилаётган сиёсатни кенг
оммага етказиш ва ижтимоий-
сиёсий мавзулардаги туркум
таҳлилий кўрсатувлари учун

Маъруф ОТАХОНОВ,
«Овози тожик» газетаси бўлим
муҳаррири

Буюк алломалар ҳаёти ҳамда
маданий-маърифий туркумдаги
мақолалари учун

Наталья ШАКИРОВА,
«Правда Востока» газетаси
ўз мухбири

Ижтимоий-сиёсий ислохотлар
самараси ва муаммолар ечимига
бағишланган мақолалари учун

**КҮЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ
ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА
САЗОВОР БЎЛДИЛАР:**

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА,

«Ёшлар» радиоканали
«Камолот» муҳарририяти
катта муҳаррири

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси
МХХ чегара қўшинлари матбуот
маркази бошлиғи

Ғайрат БОБОКУЛОВ,

«Паст Дарғом» газетаси
муҳаррири ўринбосари

Малик Бой МУҲАММАД,

«Ҳамроҳ» хусусий газетаси
масъул муҳаррири

Сайди УМИРОВ,

Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети
ўқитувчиси

Татьяна ХЛЯКИНА,

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси
«Тошкент» телеканали катта
муҳаррири

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, аёлларнинг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида тугган ўрнини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улғулаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида

«АЁЛ ОМОН БЎЛСА...»

номли хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлар ҳақида матбуот сифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, лавҳа, радиоэшиттириш ва фотокўрсатмалар кўрик-танловини эълон қилган эди.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, орзу ва интилишлари, ижодий зафарлари, тадбиркорлик, фан, адабиёт, таълим,

санъат ва бошқа турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги мақолалар, лавҳалар, фотокўрсатмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилди.

Танлов республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилди. Топширилган ижодий ишлар юртимизда аёлларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром юксаклиги, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва роли бекиб эканлигини кўрсатди. Барча номинациялар бўйича топширилган ишларни ҳайъат аъзолари кўриб чиқиб, қуйидагиларни танлов ғолиби деб эълон қилди.

«Энг яхши мақола» номинацияси бўйича Муқаддас (Солиҳ қизи) Абдусаматова — «Оналик бахти» рисоласи ва аёлларга бағишланган туркум мақолалари учун; «Энг яхши фоторепортаж» номинацияси бўйича «Маърифат» газетасининг фотомухбири Бурхон Ризоқулов қишлоқ аёл ўқитувчиларига бағишланган туркум суратлари учун;


«Энг яхши радиоэшиттириш» номинацияси бўйича «Ёшлар» радиосининг гуруҳ раҳбари Муқаддас Халилова «Аёл

ва жамият» радиоэшиттириши учун; «Энг яхши телекўрсатув» номинацияси бўйича «Ўзтелерадиокомпанияси» «Маънавият» студияси мухбири Нафиса Зоҳидова республикамизнинг фаол, зиёли аёллари ҳақидаги «Зийнат» туркум кўрсатувлари учун;


«Энг яхши радиолавҳа» номинацияси бўйича «Машъал» радиосининг мухбири Олимаҳон Ҳамроева Тошкент шаҳри хотин қизлар колониясидан тайёрлаган радиолавҳалари учун сазовор бўлди.

Тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, ишларнинг салоҳияти, иштирокчиларнинг фаоллиги ва ижодкорларнинг серқирралиги инобатга олиниб, «Энг фаол танлов иштирокчиси» номинацияси бўйича Жаҳонғир Абубақиров; «Энг изланувчан ижодкор» номинацияси бўйича Муборак Юнусхўжаева;


«Серқирра ижодкор» номинацияси бўйича «Ўзбекистон» радиосининг мухбири Нилуфар Пулатовани Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик соғавалари билан тақдирлашга қарор қилинди.



Республика байналмилал маданият марказида мустақил Ўзбекистоннинг миллий сиёсати, юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, миллий-маданий марказларнинг этник қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон — умумий уйимиз» китоб-фотоальбомининг тақдироти бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ



Унда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, миллий-маданий марказлар фаоллари, хорижий давлатлар элчилари ва ваколатхоналари ходимлари қатнашдилар.

Маълумки, мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. 138 миллий-маданий марказ эркин фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳақда кўпгаб фильмлар, кўрсатувлар, китоблар яратилган ва яратилмоқда.

Тақдироти ўтказилган, ўзбек, инглиз, рус тилларидан нашрга тайёрланган, 500 дан ортик фотосуратлари ўз ичига олган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбоми улар қаторида ўзига хос ўрин эгаллаши шубҳасиз. Бу альбомнинг яратилиши ва тузилиши ҳақида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов батафсил маълумот берди. Юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакиллари, уларнинг тарихи, бой маданияти, бугунги ҳаёти ҳақида фотосуратлар, ҳужжатлар асосида ҳикоя қилувчи ахлит китоб яратилганини таъкидлади.

Китобнинг дастлабки саҳифаларида инсоният тамаддунининг беназир каш-



фиётларидан бўлган Буюк Ипак йўли марказида жойлашган юртимизнинг тарихи, кўп асрлик этник ва диний бағрикенглик маданияти, кишилиқ жамияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ноёб археологик топилмалар, илм-фан, санъат намуналари мисолида очиб берилган.

Фотоальбомнинг «Кўп миллатли Ўзбекистон» деб номланган бўлимида тақдир тақозоси ва халқимизнинг бағрикенглиги туғайди республикамизда яшаб қолган турли миллат вакиллари-нинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юрт ободлигини таъминлаш йўлида ягона оила фарзандлари-дек яшаб фидокорона меҳнат қилаётгани ифода этилган.

Миллий мансублигидан қатъи назар, фуқароларимизда ягона Ватан туйғусининг камол топишида миллий-маданий марказларнинг ўрни бекибдир.

Юртбошимизнинг «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойиша ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўлаемиз», —

деган сўзлари замирида теран маъно муҳассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг «Ягона оилада» деб номланган бўлимида миллий-маданий марказлар томонидан олиб борилаётган серкирра фаолиятни ёритишга алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш зарур.

Тақдирот маросимида сўзга чиққан Россиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин, Германиянинг мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхонаси раҳбари Х.Кидерлен, археолог олим Э.Ртвеладзе ва бошқалар тинчлик, миллатлараро тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги давлати сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани, ушбу китоб эса мамлакат мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида, турли миллат ва элат вакиллари-нинг Ватан равақли, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги олижаноб интилишини ифодаловчи тўхфа бўлганини таъкидлади.

Тадбирда миллий-маданий марказлар ташаббуси билан тайёрланган халқ амалии санъати ва расомлар асарлари кўргазмаси, катта концерт дастури ҳамда юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш қилинди.

ЎЗА

Иқтисодиёт

КОМПАНИЯНИНГ ЯНА БИР КОРХОНАСИ

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлашда ишла-тиладиган шиша идишларга бўлган талаб ортиб бор-моқда. Ана шу им-кониятни юзага келтириш мақсади-да «Ўзмевасабза-вотвиносаноат холдинг» компани-яси қатор техноло-гик жараёнларни амалга оширмоқда.

Тошкентда шишали идишлар ишлаб чи-қариш билан шуғул-ланадиган махсус заводнинг бунёд эти-лаётгани айни муд-дао бўлди. Бу корхо-на тўла ишга тушгач, у йилига деярли 125 миллион донага яқин идиш тайёрлаб бе-риш қувватига эга бўлади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, бундай иш-лаб чиқариш жараё-ни билан ҳозирча Фарғонадаги «Кварц» корхонаси шуғулла-ниб келмоқда.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ МУСТАҲКАМ

Қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилмаларни ишлаб чиқаришда Тошкент-даги «Фотон» акция-дорлик жамиятида ҳам дастлабки таж-рибалар ортирилди. Фото электр стан-циялар учун ишлати-ладиган турли мос-ламалар намуналари ҳам харидоргир бўлиб қолди.

Бу хил маҳсулотлар-ни тайёрлашда ўзига хос техник воситалар-дан фойдаланилмоқ-да. Бунда мутахассис олимлар тавсиялари ҳам қўл келмоқда. Тошкент давлат техни-ка университети олим-лари билан ҳамкорлик ҳам ўз ижобий самар-расини бермоқда. Олий ўқув юртининг ярим ўтказгич асбоб-лари ва микроэле-ментлар кафедраси изланишлари ҳам амалиётга татбиқ этил-моқда. Поликремния асосида қурилган ярим ўтказгич асбоб-лардан фойдаланиш усули эса катта иқти-содий самара беради.

Шу лойиҳа бўйича тайёрланган фото-электр станциялар нисбатан арзонга ту-шади.

Акбар АЛИЕВ

Тадбиркорлик

УЛУШЛАРИ ОРТАДИ

Шаҳримиздаги «EAST-KOLOR» корхонасининг маҳсулотлари ички бозорда харидоргир-лиги билан ажралиб туради.

Бу муваффақиятга улар ма-ҳаллийлаштириш дастури асо-сида иш юритиш ҳамда маҳсу-лот сифатига алоҳида эътибор қаратиш боис эришмоқда. Жа-моада асосан лок-бўёк маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, қисқа вақт мо-байнида унинг турлари 20 хил-дан ортиб кетди. Ушбу маҳсу-

лотлар айни бунёдкорлик кўла-ни кенг амалга оширилаётган бугунги кунда қурилиш майдон-ларида иншоотларни пардоз-лаш ишларида ниҳоятда қўл келяпти. Тадбиркорлар жорий йилда маҳсулотнинг янги тури — олиф ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзда тутишган. Бу эса ички бозорни четдан

келтириладиган маҳсулот ўрни-ни босувчи бирмунча арзон то-вар билан таъминлашга қўшил-ган ҳисса бўлади.

Ўтган йилда корхона жамоа-си меҳнати билан 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот, яъни қурилиш ашёси тайёрланган бўлса, буюртмаларнинг ортиб бориши натижасида жорий йил-

да 700 миллион сўмлик лок-бўёк ишлаб чиқариш ва замо-навий тарзда қадоқлаш кўзда тутилган. Бунинг учун эса янги цехлар ташкил этилиб, қўшим-ча ишчи кучи ҳам жалб этила-ди.

Бир сўз билан айтганда, «Шарқ бўёқлари» маъносини англатувчи корхона тадбиркор-ларининг келгуси мақсадлари «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли рақобатбардош маҳ-сулотларни хорижга экспорт қилишдир. Бу билан уларнинг иқтисодиётдаги салмоқли улуш-лари янада ортади.

Қутлибек ХОЛИҚУЛОВ

Тошкент Ислам университетида Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм ва терроризм таҳдиди муаммоларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, АҚШ, Португалия, Туркия, Украина, Швеция, Франция ва Марказий Осиё давлатларидан келган ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Лондон университети профессори Ширин Акинер хонимнинг Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 24-26 май кунлари ушбу вилоятга қилган сафари ҳақидаги ахборотини тингладилар. Ш.Акинер ўз хулосалари маз-

кидлашчи, жангариларнинг хатти-ҳаракатлари маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмади. Чунки Андижон вилоятида бу каби жараёнларни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шароит мавжуд эмас. Маҳкумларнинг асосий қисми ўз ихтиёри билан қамоқхонага қайтиб кел-

ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР ЭКСТРЕМИСТЛАР ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚАТТИҚ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

кур воқеалар шоҳиди бўлган бир қанча гувоҳлар — маҳаллий аҳоли, давлат ва жамоат идоралари вакиллари ҳамда ўз ихтиёрига кўра жазони ўташ жойига қайтиб келган маҳкумлар билан ўтказилган суҳбатларга асосланганини таъкидлади. Буюк Британиялик олимга ушбу сафардан сўнг унда Андижон воқеалари ҳақида ҳолис тушувча пайдо бўлганини қайд этиб, ҳукумат идораларининг вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширган зарур чораларига ижобий баҳо берди.

Эксперт фикрига кўра, бир гуруҳ қуролланган шахсларнинг Андижондаги хунрезликлари пухта ўйланган, баъзи ташқи кучлар томонидан қўллаб-қувватланган кўпуровчилик эканини ҳарбий қисмлар ва давлат муассасаларига қуролли ҳужум уюштирилгани ҳам тасдиқлайди.

Бунда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг воқеаларни «киргиз сценарийи»га ўхшаш ҳолда тақдим этишга интилаётгани ҳам кузатишмоқда. Жумладан, Россия НТВ телеканалининг гўёки Пахтабод туманида «наомийлар» ўтказилгани ҳақидаги хабарлари ҳақиқатдан йироқ экани ва у ерда ҳеч қандай чиқишлар бўлмаганини маҳаллий аҳоли, жумладан, Андижон вилоят касалхонаси бош врачининг сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Баъзи оммавий ахборот воситаларининг содир бўлган воқеаларнинг иқтисодий ва диний сабаблари ҳақидаги иддаолари ҳам хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Зеро, Ш.Акинер хонимнинг таъ-

гани бу кучларнинг ғаразли мақсадлари ҳатто жазо муддатини ўтаётган шахслар томонидан ҳам инкор этилганини исботлайди.

Шунингдек, баъзи хорижий матбуот ва «хуқуқпарвар» ташкилотларнинг 13 май куни ҳалок бўлганлар сони ҳақидаги уйдирмалари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунончи, чет эллик олимга вилоятдаги 20 та қабристон ҳамда тиббий муассасаларда бўлиб, қурбонларнинг ҳақиқий сони 170 га яқин экани ҳақида аниқ хулосага келган.

Давра суҳбатига «қочқоқлар» масаласига ҳам эътибор қаратилди. Уларнинг орасида турли тоифадаги шахслар, жумладан, қуролли кўпуровчилик ҳаракатларининг бевосита иштирокчилари ҳам мавжудлиги эътироф этилди.

Тадбирда барча саволларга аниқ рақам ва далиллар асосида жавоб қайтарилди. Хорижий мутахассислар ўз чиқишларида республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислохотларга ижобий муносабат билдириб, ҳукумат томонидан диний экстремизм ва халқро терроризмга қарши олиб борилаётган сазой ҳаракатларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишга интилаётган баъзи оммавий ахборот воситаларини қаттиқ қоралаб, ушбу «ахборот уруши»да Ўзбекистон мақеини ҳолис ҳимоя қилаётган Ш.Акинер хулосаларига тўла қўшилишларини таъкидладилар.

ЎЗА

16 та мактабда олиб борилаётган тубдан таъмирлаш ва капитал реконструкция ишларининг май ойининг ўрталарига тугатилиши белгиланган. Аммо, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров маълумотига кўра, барча объектларда ҳам ишлар белгиланган ҳадвал бўйича таъминланмаётгани йўқ. Объектларнинг муддатда топширилиши кечиктирилаётганига бир томондан айрим пудратчи ташкилотлар тўлиқ қувватда ишламаёт-

ри, болалар билан ишлаш имкониятларига эътибор қаратиш талаб этилади. Ўтган ўқув йили билан солиштирилганда мактабларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж деярли 1300 кишига қондирилган. Шу билан бирга аттестация яқунлари шуни кўрсатадики, бир қанча ўқитувчилар, хусусан 33 нафар мактаб директорининг ҳам ўз вазифасига лаёқатлигини кўриб чиқиш талаб этилади. Бундан ташқари, аяни пайтда педагогларнинг 18 фоизи ўрта

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ИШНИНГ САМАРАСИ — МАСЪУЛИЯТДА

Ўқув йили яқунланишига қарамастан барча таълим муассасаларида, шу жумладан мактабларда ҳам қизгин жараёни кузатиш мумкин. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастурига мувофиқ умумтаълим муассасаларида капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари давом этмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган ижтимоий тузилмалар йиғилишида ушбу давлат дастури доирасида жорий даврга режалаштирилган вазифаларнинг бажарилиши муҳо-

камга қилинди.

Умумтаълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳам муаммоларига қолмоқда. Бугунги кунда мактабларга жами 1583 нафар, шу жумладан физика, математика, она тили ва адабиёт каби асосий фанлар бўйича ҳам ўқитувчилар етишмайди. Ушбу масаланинг ечимини топиш мақсадида Халқ таълими бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари ва Педагогика университетлари билан махсус шартномалар тузилган бўлиб, уларга асосан грант бўйича тахсил олган битирувчиларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича пойтахт мактабларида ишлаши белгиланган. Бу эса 400 нафарга яқин ёш педагогларни ташкил этади. Бироқ Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов таъкидлаб ўтгандек, бу масалани фақат қисман ҳал этиш демакдир. Болалар мактабда асосий билим негизини олишини инobatга оладиган бўлсак, авваламбор кадрлар масаласига, уларнинг иқтидо-

шуни кўрсатадики, мактабларнинг атиги ўртача 5 фоизи таълим соҳасида пулли хизмат кўрсатиш ва ишлаб топилган маблағларни мактаб эҳтиёжига йўналтириш дастури бўйича фаолият юритмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни инобатга олган ҳолда, туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, Халқ таълими бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тузилмаларига таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг олиб борилиши ҳамда тегишли объектларнинг келгуси ойнаинг бошига топширилиши бўйича доимий назорат ўрнатиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш борасида самарали чоралар кўрилиши зарурлигига эътибор қаратилди ҳамда таълим муассасаларини моддий-молиявий масалаларни ҳал этиш борасида юридик мақом бериш ҳисобига қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда шунингдек ўрта махсус таълим муассасаларини янги ўқув мавсумига тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди, пойтахт дам олиш масканларининг талабга мувофиқлиги юзасидан текширувлар муҳокама этилди, маҳаллар кесимида ҳудудий тузилмалар таркиби ўзгартирилганлиги бўйича ҳисобот ҳам тингланди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ТАРМОҚ НАШРЛАРИГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда республикамизда 700га яқин босма ахборот воситалари нашр этилаётган бўлса, шуларнинг катта қисмини айнан тармоқ газета ва журналлари ташкил этади. Бу нашрларнинг ҳам жихатдан умчалик катта бўлмаса ҳам, лекин одамларнинг маънавий-матрифий онги шаклланишида салмоғи, самараси сезиларли. Бунга бизнинг суҳбатдошларимиз — шу йўналишдаги газета ва журналларга бош-қош бўлаётган илм соҳибларининг фикри исбот бўла олади.

— Аниқ бир соҳа ёки оммавий ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги газета ёки журнал бўладими, барини чоп этиш осон эмас, аммо тармоқ нашрларининг аниқ бир соҳа ривожига, малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, — дейди академик Турсунбой Рашидов. — Масалан, биргина «Механика муаммолари» журналин олайлик. У ўзига хос специфик нашр, унда қўллаб илмий мақолалар чоп этилади ва бу ёш димларга ас қотади, шунингдек, механика йўналишидаги факультетлар учун ўқув қўлланма ролини ўтади. Журналнинг техник томонларини оладиган бўлсак, муаммоларимиз оз эмас ва ўйлаётганимиз, уларнинг ҳал этилишига фақат бизнинг тузилма эмас, балки уша ахборот технологиялари тизимидаги идораларнинг ҳам масъуллигини кучайтириш лозим.

— Ҳақиқатан, баъзилар босма нашрларнинг шакли, ҳамми, бошқа жиҳатларига қараб нафақат фарқлаш, балки ажратишга ҳаракат қилади, — деди «Педиатр» газетаси муҳаррири Кавсар Турдиева. — Менинг назаримда, оммавий ахборот воситаларига бундай қараш нотўғри. Зеро, аяни пайтда гап у ёки бу газета-журналнинг мазмунини устиди эмас, балки авваламбор мақсуд нашрини ўқувчига етиб бориш жараёни, яъни тайёрлаш ҳусусидадир. Тўғри, айрим газеталаримиз мазмун жиҳатдан ўзига яраша

доира ўқувчиларини қониқтирмаслиги мумкин, бироқ бозор иқтисодиёти шароитида бу тизимда ҳам кучли рақобат вужудга келганини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Тошкент тиббий педиатрия институтини қошида чоп этилажак «Педиатр» газетаси кенг омма ўртасида тарқатилмайди, аммо ўзини ўқувчиларига эга ва булар асосан институтизм талаба-ёшлари ҳамда доктор, номзодлик илм даражасидаги педагоглардир.

— «Тил ва дунё», — дейди Жаҳон тиллари университети таъсисчилигида чоп этилаётган мақсуд газета муҳаррири Маҳмуд Саъдий, — бу бўлажак журналистларимизнинг илк мақолалари кўзгуси, демак қайсидир маънода университет домлалари меҳнатининг самарасини белгиловчи газета. Муаллифлар асосан талабаларнинг ўзи, шу жумладан халқро журналистика факультети ёшлари ҳам газета саҳифаларида ўзларининг инглиз, француз, испан, бошқа тиллардан таржималарини бериб борадилар. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратмоқчи эдим. Агарда ижтимоий-сиёсий йўналишдаги республика ва шаҳар газеталари саҳифаларида бир пайтлар кенг ўрин олган «Тармоқ газеталари хабар бериди» рунки тикланиб, шу қаторда университетимиз ҳаёти вақти-вақти билан газетхонага таъиништириб борилса, газетанинг нуфузи янада ошган бўларди...

И. ШАРАФУТДИНОВА

Бош муҳарриримиз Тўлқин Қозоқбоев Раҳматулла Файзуллаев билан мени ҳузурга таклиф қилди.

— Гап бундай, — деди у сўзини қисқа қилиб, — тегишли идоралар билан боғланган бир неча ахлоқ тўзатиш—меҳнат муассасаларидаги тўқтинлар тўғрисида газетанинг уч сонига ахлоқ мавзусида мақола тайёрлайсизлар. Қанча теб бўлса, шунча яхши. Эртдан ишга киришинглар. Агар ўртада бирор муаммо пайдо бўлса, мен ёрдам бераман.

Олдинга ҳайрон бўлдим. Газета тарихида ҳали бундай мавзу кўтарилмаган. Аввало биз: "Ахлоқ тўзатиш — меҳнат муассасаларидаги киришимизга қим қўйиб беради? Махбуслар билан суҳбатлашининг ўзи бўладими?" деган саволлар гирдобидан бир зум ҳаёлланиб қолдик. Сабаби, олдимизга қўйилган вазифа осон эмасди. Уни бажариш мушкуллигини билиб турардик. Бироқ на илож, топширик топшириқда. Хуллас, эртасиданок топшириқни бажаришга киришиб кетдик.

Биринчи галда Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тўзатиш-меҳнат муассасалари масъул ходими, ички хизмат полковниги М.Мирпўлатов билан телефон орқали боғландик. Кейин у билан маслаҳатлашиб бир қарорга келиш учун унинг ҳузурига тўпландик. М.Мирпўлатов бизни диққат билан тинглаб, таклифимизга розилик билдирди.

Келишувга биноан эркаклар, аёллар ва болалар муассасаларида бўлди. Бизга ҳамроҳлик қилиш учун шу ернинг ўзидан махсус хизматчи белгиланди. Хуллас бир ҳафталик кузатувимиз самараси ўлароқ бош муҳарриримиз айтганидек, газетанинг уч сонига алоҳида-алоҳида уч мақола тайёрланди.

Уша тезкорлик билан ёзилган ва газетамизнинг 1987 йил 26 май сонидан эълон қилинган «Ёшлик — бебошлик» деб номланган биринчи мақола шундай бошланганди. «Оқни оқ, қорани қора дейишга ўргандик. Тўғрироғи ўрганилмиш. Зеро, яхшини яхши, ёмонни ёмон деймиз. Ҳаётда адолат ва разолат, садоқат ва қабохат, оқиллик ва ноҳонлик, поклик ва жирканлик, тўрилик ва ўғриллик бор экан, табиийки, жиноят ҳам содир бўлиб туради.

Жиноят... Зеро, ошкоралик жамиятимиз қонунларини бузётган кимсаларга қарши қудратли қурол экан, бугун биз бу ҳақда оқичасига фикр юритишга жазм этдик. Шу мақсадда Тошкент вилояти ва шаҳримизнинг бир неча ахлоқ тўзатиш-меҳнат муассасаларида бўлиб тўқтинликдаги кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг дил тўла ўқинчларини, афсус-надоматларини ва ҳатто бепарво кимсаларнинг беалом ҳикояларини тингладик. Баъзиларнинг илтимосига кўра биз уларнинг исми, фамилиялари, иш ва турар жойларини кўрсатмадик. Қилмишларига пушаймон бу кимсаларнинг аччиқ сабоғидан ўзгалар тегишли хулоса чиқариб олурлар деган умиддамиз».

Шу туркумдаги иккинчи мақола «Сўнгги пушаймон» деб номланди. «Қилмиш-қидирмиш» сарлаҳали учинчи мақола охирида тахрират номидан шундай сўзларни киритдик.

«Жиноятчиликка қарши кураш бу фақат милиция, суд, прокуратура органларининг ишигина бўлиб қолмай, балки умумжамоатчилик ишидир. Шундай экан, уларга қарши кун сайин курашни аж олдириш, жамиятимиз тараққиётга кўп хизматдан гов соладиган бу иллатнинг туб илдизига болта уришимиз лозим. Юқорида эълон қилинган туркум мақолаларга «Жиноят ва жазо» деб рунк берилишининг ҳам боиси бор. Бу билан биз содир бўладиган ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслигини газетхонларга яна бир бор эслатиб қўйишни лозим деб топдик».

Ҳар учала мақола ўша даврнинг ўзига хос катта шов-шувига сабаб бўлди. Тахрират газетхонлардан жуда кўплаб мактублар олди.

Муштарийлар диққатига сазовор бўлган мақолалар ҳақида сўз юритар эканмиз, газетамизнинг ўша йилги 5 май ва 19 июнь сонларида эълон қилинган Акмал Ақромовнинг «Хар кимнинг ўз уйи бор» ва Тўлқин Қозоқбоевнинг «Номусини ўғирлатган қиз» мақолалари хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, ахлоқ мавзусидаги бу ҳар иккала мақола ҳам муштарийларимиз эътиборини тортган, тахрират улар юзасидан газет-

хонлардан юзлаб хатлар олган эди.

«Оқшом» газеталари айна шу йиллари бир нарсга алоҳида эътиборни қаратди. Газетанинг биринчи бетидан бериладиган «Замондошимиз» рунки остида давримизнинг етук олимлари ва турли соҳаларнинг илғорлари, пешқадам ишчи ва курувчиларнинг суратлари билан бирга, улар ҳақида кичик лавҳалар чоп этиш қатъий йўлга қўйилган эди. Бир сўз билан айтганда, сураткашимиз Тўлқин Каримов елиб-юғуриб фототасмага муҳрлаб келган замонамизнинг илғор кишилари ҳақида ёзилган лавҳалар «Оқшом»нинг юзи ва байроғи бўлиши керак эди. Балки шундан бўлса

матлик мавзусидаги рункимиз туғилган кундан бошлаб катта ҳаётга қадам қўйишга болаларни парваришлаш билан боғлиқ маслаҳатлар билан тўлдирилди. Мавсумий юқумли касалликларнинг олдини олишга доир мақолалар билан бир қаторда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, болаларни орасталлик, тартиб-қоидаларга ўргатиш, халқ табиати воситаларидан фойдаланиш ҳақида мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳам бериб берилмоқда.

Аҳолини атроф-муҳитга авайлаб муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, «Табиат ва инсон» рунки остидан туркум мақолалар бериб бориш давом эттирилмоқда. Янги, экологик хавфсизлик технологияларининг жорий этилиши ҳақидаги, шунингдек, давр билан баварар кадам ташлашни, экология муаммоларининг ҳал этилишига янгича назар ташлашни истинаётганлар танқид қилинган мақолаларни беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, шу билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг бой, миллий-маданий, тарихий аъналарига, халқ урф-одатларига асосланган самарали педагогик қўриқларини умумлаштиришга, истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни ўқитишнинг руҳий-педагогик шарт-шароитларига алоҳида урғу берилади. Олимлар, руҳшунослар, педагоглар, шу куннинг долзарб муаммоларига бағишланган мақолалар билан иштирок этадилар.

«Оқшом» газеталарининг ўзига хос томони шундаки, улар мустақил нашр ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар иккала газета билан танишиб чиққан ўқувчи шаҳар ҳаётини кенгрок билиб олади, рўй берган воқеалардан муфассалроқ хабар толади. Ҳар иккала газета жамоалари иш кунлари ҳам, байрамларда ҳам ҳаммиса бирга. Ахил оила фарзандлари бу. Бир дастурхон теваарига ўтиришади. «Оқшом» газеталарини чиқараётганликлари билан фахрланишади.

Газетамиз сафи шу йили бир қатор иқтидорли журналистлар билан тўлғаниши билан ҳам характерлидир. Улар Акмал Ақромов, Темур Убайдулло, Абдулла Нуримов, Фаррух Раҳимов (охирати обод бўлсин) каби номлар билан боғлиқдир. Бу ижодкорлар ҳам «Оқшом»га келган кунларидан бошлаб ҳам ўзларининг ташаббуслари ва долзарб мавзудаги мақолалари билан газетамиз мундарижасини бойта бордилар.

«Оқшом» газеталари ҳаётида эслашга аризулик қизик воқеалар ҳам кўп бўлган. Мана улардан бири: Сураткашимиз Малик Нуриддинов пенсия ёшига етиб қолган, иш фаолиятида бироз сусткашлик бошланган йиллар эди. Унинг бу ҳолати бош муҳаррирга ёқмасди. Шу боис у Малик ақани ҳузурга чақириб, ишидан кўнгли тўлмаётганлигини айтиб масалани кескин қўйди. Охири, «Ё ярим штатга ўтинг, ё пенсияга чикинг» қабиланда гап қилди.

Малик ақа ҳам жойни бўшат деса, бўшатиб қўядиган анойилардан эмас. У бош муҳаррирни сўзига кирита олмаслигини билган «Яхши» дебди. «Эртага хотинимни бошлаб келаман. Лекин айтиб қўй, у бироз жанжалқашроқ. Агарда уни мени ишдан бўшатишингизга кўндиролсангиз ўша соатда тахриратни тарқ этиб кетавераман» дебди.

Бош муҳаррир ўйлиб қолади. Хотин кишига, айниқса у жанжалқаш бўлса гап тушутириш осон бўлмаслигига қўзи етиб бу ҳақда бошқа оғиз очмайди. Шу баҳона Малик ақа масаласи кун тартибидан чиқариб ташланди. Бош муҳаррирининг дами ичиди. Малик ақанинг оғзи қулоғида. Икки гапнинг бирида «Қалай боладимми» дея мактангани мактанган.

Умуман айтганда, ўзининг бой тарихига эга бўлган газетамизнинг ҳар йили ҳақида истаганча гап айтиш мумкин. У ўтган йиллар давомида ўзига хос довонни босиб ўтди, муштарийлар меҳрини қозонди. Оқшомчиларнинг ҳозирги авлоди газетанинг мазмун ва мундарижасини янада бойитиш, уни мустақил давлатимизнинг нуфузли нашрларидан бирига айлантириш учун ўзларининг бой тажриба ва билимларини ишга солиб ижодий изланишни давом эттирмоқдалар.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Муҳра олам

«ИШЧИ КУЧИ» ОПЕРАЦИЯСИ

Грециялик божхона ходимлари Родос ороли яқинида лангар ташлаган Ливан байроғи остидаги «Конди мини» кемасида қутилмаган нарсалар дуч келдилар. Улар бу кемалда яширинча қора дори олиб келинанти, деган шубҳа билан тинтув ўтказишга қарор қилдилар. Лекин яширин мол ўрнига улар кема трюмида Шри Ланкадан келаётган 90 дан ортиқ одамга дуч келдилар. Уларнинг ҳеч бирида ҳужжат йўқ эди. Шундан кейин гап яширин муҳожирларнинг навбатдаги гуруҳи тўғрисида кетаётганлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, улар Родосдаги кимсасиз жойда тушириб қолдирилиши керак эди. Одамлар у ердан Грециянинг Патри портига бориб, Италияга ўтиладиган паромга тушишлари лозим эди. Улар Италияда ўзларига яраша иш топиш ниятида эканлар. Бунинг ўрнига Родос маъмурияти муҳожирларни ушлаб, докда турган контейнер ташийдиган кемаларга қамаб қўйдилар. Улар шу ерда суд маъмурларининг қарорини кутадилар.

Грецияда яширин йўл билан Италияга ўтиб олишга уринаётган «Транзит» муҳожирларини биринчи бор ушлаб қолишга танишиб чиққан Махаллий мутабоқнинг таъкидлашича, бунда гап Европага «тирик мол», Осие ва Африканинг кам ривожланган мамлакатларида арзон ишчи кўчларини келтиришнинг янги усули тўғрисида бормоқда.

ЭРТАКНАМО ЎСИМЛИКЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ер қуррасида ўсадиган икки минг хил хушбўй ўсимликдан қариб 200 хили инсон учун фойда бериши мумкин. Бироқ уларнинг атиги 20 хилдан одамлар фойдаланишади. Бу рақамлар Мадагаскар пойтахтида шифобахш ва хушбўй ўсимликларга бағишлар ўтказилаётган халқаро семинарда келтирилди.

Бугун дорихунослар ва атир-упа тайёрловчилар, янги пардоз моддалар ихтирочилари ва озик-овқат сановати ходимлари ўз фаолиятини табиий эссенцияларсиз тасаввур эта олмайдилар, деб таъкидлади Мадагаскар демократик Республикаси атроф-муҳитни ўрганиш миллий директори Дала Ракутувау.

Хинд океанининг зумрад сувлари остида қолиб кетган ерларни қадимдаёқ «Шириликлар ороллари» деб аташарди. Мадагаскар ва Комор ороллари жаҳон бозорига қадим замоналардаёқ ванил, долчин ва чинниғул етказиб беради. У ерда атир-упалар тайёрлашда кенг қўлланиладиган иланг-иланг ўсимлиги ҳам ўстирилади. Реонёнда бўзқочқир ўсимлиги етиштирилади. Унинг илдизидан атир тайёрлашда фойдаланиладиган қимматбаҳо модда олланади.

Мазкур семинар миллий программаларни мувофиқлаштиришга хизмат қилиши лозим. Ишонч билан айтиш мумкинки, деб таъкидлади Л. Ракутувау, биз одамларни даволабгина қолмай, уларнинг ҳаётини янада гўзалроқ қилувчи эртанамо ўсимликлар салтанати эшигини қия очдик, ҳолос.

Илмлар саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҲИКОЯ

керак, ҳаммаси бўлиб бир ёки бир ярим қроғ ҳажмдаги бу лавҳаларни тахриратимиз аъзолари билан биргаликда соатлаб муҳокама қилардик. Фикрлар мажмуидан келиб чиқиб, уларнинг баъзилари тўғридан-тўғри босишга рўхсат этилса, баъзилари қайта ишлашга қайтарилар, ҳатто уларнинг орасида чоп этишга яроқсиз деб топилганлари ҳам бўларди. Шунинг учун бу лавҳаларни ёзиш кўпроқ тахриратимизнинг забардаст журналистларига топширилди. Сўз исботи билан деганларидек, улардан бири — Тўлқин Расулев (охирати обод бўлсин) қаламига мансуб қўйидаги лавҳани эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. «Инсонда айниқса, икки фазилат жуда гўзал: бири одобу-ахлоқ, бири муомала-ю муносабат. Бундай инсоннинг қалбини гулу, умрини нур деймиз. Педагог Ойшахон Тўраева билан телефонда дилқаш суҳбатлашганимизда хаёлимдан шу фикр ўтди. Олимага қисқа саволлар билан муносабат.

— Ойшахон опа, сиз қайси институтни тугатгансиз.

— Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирда университет) педагогика факультетини... Ҳа, имтиёзли диплом билан. Кейинми? Санкт-Петербургдаги Герцен номи педагогика институтининг аспирантурасида ўқиб, кандидатлиқни ёқладим, ўзим ўқиган институтга ишга келиб, доцентлик унвонини олдим, кўп йиллар факультет декани, кафедра мудири вазифаларида ишладим. Институтда неча йил ишладингиз дейсизми? Ўттиз йилдан ошди.

— Сиз педагогик фаолиятингиздан ташқари, ахлоқ-одоб мавзусларида ижод қиласиз, шу давргача қандай китобларингиз чоп этилди?

— Оилавий муносабатлар, фарзандлар ва ёшлар таълим-тарбияси ҳақида ўндан ортиқ рисолаларим, дарсликларим нашр этилди, севимли газетамиз «Тошкент оқшоми»да ҳам кўплаб мақолалар билан катнашганман.

—Сизнинг оилангизни ҳам кўплар ҳавас билан тилга олишади... Шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Ўз турмушимдан фахрланиб гапирсам қандай бўларкин? Умр дўстим — Мирсоат Эргашев иккимиз бир институтда ишлаймиз. Беш ўғлим, тўрт келиним бор. Келинларимнинг ҳаммаси ўқувчи. Бир ўғлим шифокор. Кенжаси армия хизматиди. Саккиз набирам дилбалдарим. Уйимнинг чароғи, ҳаётим фаровонлиги...

Гўзал ҳаётдан мамнун олима Ойшахон Тўраеванинг юрак сўзларида минг-мигналаб бахтли аёлларимизнинг баркамол сиймосини кўргандек бўлдим. Томчида куёшининг жамоли акс этганидек, шу оила мисолида оилаларимиз камолини кўрдим».

Уша йиллари ёшларнинг устози, «Вечерний Ташкент» газетасининг узок йиллар маънавий-маърифий йўналиши гуруҳининг шарҳловчиси бўлиб ишлаб келган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Надежда Панякина шундай эслайди:

— Шак-шубҳасиз, давр талаби билан рунқларимизнинг айримларидан воз келишга тўғри келади. Айримлари таркиб топган аъналар ва ҳамон ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотганлиги сабабли сақланиб қолади. Сихат-саломатлик ҳамда инсон ва табиат мавзусидаги рунқлар шулар жумласидандир. Хусусан, сихат-сало-

Спорт

ДАВРОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Кейинги йилларда бошқа спорт турлари қатори муайтайнинг ҳам ёшлар орасида оммалашиб бораётганлиги таҳсинга сазовор. Айниқса ушбу спорт тури бўйича ҳар йили мамлакат биринчилиги ўтказиб келинаётганлиги ёш иқтидорларнинг кашф этилишига замин яратмоқда.

Наманган вилоятида куни кеча муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Республикамининг кўпгина вилоятларида келган энг иқтидорли спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Қизикарли, кескин ва шиддатли курашларга бой беллашувлар муҳлисларга ҳаяжонли дақиқаларни ҳада этди. 109 нафар спортчи иштирокидаги баҳслар мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Хакамлар ҳайъати голибларни аниқлаб уларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Дарвоқе, голибликни кўлга киритган ҳамшаҳримиз Даврон Эшонхўжаевнинг ҳатти-ҳаракатлари, маҳорати мутахассислару муҳлислар томонидан эътироф этилди.

ГОЛИБЛАР

ТАҚДИРЛАНДИ

Баскетбол бўйича аёллар ва эркеклар жамоалари ўртасида мамлакат биринчилиги баҳсларига яқун ясалди.

Шаҳримизда аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида омад Навоий вилоятининг «Ника» жамоасига қулиб боқди. Рақибларидан маҳоратлироқ ўйнаган навоийлик баскетболчи аёллар 40 очко билан биринчи ўринни эгаллаган бўлсалар, чемпион жамоадан беш очко ортда қолган Бухоронинг «Университет» жамоаси баскетболчи қизлари иккинчи ўрин билан кифояланишди. Бухороликлардан икки очко ортда қолган «ТДТУ» (Тошкент Давлат техника университети) қизларига эса учинчи ўрин насиб этди.

Бухорода баскетбол бўйича эркеклар ўртасида уюштирилган мамлакат биринчилиги баҳслари ҳамшаҳарларимизга омад келтирди. Муросасиз ва қизикарли кечган беллашувларда барча рақибларини енгиб 40 очко тўплай олган МХСК баскетболчилари биринчи ўринни кўлга киритган бўлишса, пойтахтимизнинг яна бир вакили «ТДТУ» (Тошкент Давлат техника университети) жамоасига 35 очко билан иккинчи ўрин насиб этди. Тошкентликлардан тўққиз очко ортда қолган Навоий вилоятининг «Южанин» жамоаси учинчи ўрин билан кифояланди.

Мусобақалар якунида голиб ва совриндор жамоаларга совринлар, эсдалик совғалари тухфа этилди.

(Ўз муҳбиримиз)

(Газетанинг навбатдаги сони 30 июнда чиқади).

Ёзги «Қамолот» билан

МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛАДИЛАР

Миллат эртаси, келажак бунёдкорлари бўлмиш ёшларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишлари, яхши дам олишлари йўлида қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан «Ёзги «Қамолот» билан» лойиҳасининг амалга оширилаётгани фикримиз далилидир.

— Ёзни соя-салқин оромгоҳларда маза қилиб ўтказиётган болажонлар учун қизикарли спорт мусобақалари, ўқув семинарлари, кўнгилли саёҳатларни уюштириб уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларига ҳисса қўшиб келялмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Қамолот»

ЕИХ Бектемир туман бўлими Кенгаши раиси Илҳом Алимов. — Жумладан, тумандаги ҳар бир оромгоҳдаги жами 200 нафар болаларни шахримиздаги Ҳайвонот боғи, маданият ва истироҳат боғларига саёҳатга олиб бордик.

Туман ички ишлар бўлимида рўйхатда турган вояга ет-

маган ўсмирлар учун ҳарбий спорт оромгоҳи ҳам ўз фаолиятини бошлади. Бунда ўсмирлар 10 кун ичида ўқув маскани билан яқиндан танишиб, бошланғич ҳарбий таълим машғулотларидан, сафда юриш машқларидан сабоқ оладилар, тартиб-интизомни ўрганадилар.



Мутахассислар маълумотига кўра жаҳон аҳолиси орасида юрак-қон томир, қандли диабет сингари хасталиклар кўпаймоқда. Бунга кўп ҳолларда рационал овқатланиш тартибига амал қилмаслик сабаб бўлмоқда. Яқинда

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Рационал овқатланиш — узоқ умр гарови» мавзусида бўлиб ўтган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Йиғилишнинг институти ректори, академик Ш.Каримов кириш сўзи билан очиб берди. Рационал овқатланиш ва овқатланиш маданияти нафақат бизнинг республикамизда, қолаверса бутун жаҳонда долзарб муаммолардан бўлиб келяпти. Анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бош вакили Арун Нанда, шунингдек, институт профессорлари Г.Шайхова, Ш.Баҳриддинов ва бошқалар сўзга чиқиб «Рационал овқатланиш ва овқатланиш маданияти», «Рационал овқатланиш асослари», «Болалар ва

ўсмирларнинг ривожланишида овқатланиш» мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини сўзладилар. Шунингдек театр фойесида шу куни «Рационал овқатланиш сирлари» деб номланган бир неча викториналар ўтказилди

— Рационал овқатланишнинг асоси бу фақатгина тўйимли овқат истеъмол қилиш эмас, балки овқат таркибида организм учун барча етарли витаминлар, микроэлементлар, маъданли моддалар, оқсил, ёғ, углевод каби кўпгина моддаларнинг маълум миқдорда бўлиши тушунилади, — дейди 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Шерзод Зокирхўжаев.

— Тўғри овқатланиш — саломатликнинг гаровидир. Турли хил касалликларнинг олдини олишда рационал ва маданиятли овқатланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги анжумани «Овқатланиш сирлари» деб номлаганимиз ҳам бежиз эмас. Бу сирлар асосида бугун аҳолига, талаба-ёшларга қандай овқатланиш кераклигини тушунтирдик. Ўйлайманки, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб турилса, яхши самалар беради.

Анжуман сўнгида викторина ва бадий кўргазмалар бўйича голиблар аниқланиб, муносиб совғалар билан тақдирландилар. Институт талабаларининг «Адреналин» гуруҳи ижросидаги қизикарли саҳна кўринишлари тадбирга янада фойз киритди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

Анжуманлар

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Маълумки, бугунги кунда халқ саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Президентимиз томонидан жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинганлиги, шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг ва унда белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

ҳамда мазкур мавзуга бағишланган стендлар намойиш этилди.

Озик-овқат таркибида албатта инсон организмнинг нормал ривожланиши учун керакли бўлган микроэлемент ва витаминлар бўлмоғи зарур. Мамлакатимизда халқаро ташкилотлар кўмагида қатор лойиҳалар, жумладан ош тузини сановат усулида йодлаш ва А витамини етишмаслигининг олдини олиш, унни фойдали моддалар билан бойитиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Анжуман доирасида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳамда салқин ичимликлар кўргазмаси ташкил қилинди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз: **133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақини — 2 босма табоқ оғсет
усулида босилади.
3684 нускада босилади. Қўғоғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашриет етказиб бериш масаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида теришти ва саҳифаланди.

«Шорк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.